

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ, ЧОРВАЧИЛИК,
ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

НИЁЗОВ ХАКИМ БАКОЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИДА ОЁҚЛАРНИНГ ДИСТАЛ
ҚИСМИ АРТРОПАТИЯСИ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Ниёзов Хаким Бакоевич

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида оёқларнинг дистал қисми
артропатияси..... 3

Ниёзов Хаким Бакоевич

Артропатия дистальной части конечностей сельскохозяйственных
животных..... 25

Niyozov Hakim Bakoevich

Arthropathy of distal part of limbs of agricultural animals..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

Институт Ахборот-ресурс марказига,
DSc 27.06.2017 Qx/V.12.02 рақамли бир марталик
илмий кенгаши *Д. А. С. Далешов* 20.7.2017 ё

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ, ЧОРВАЧИЛИК,
ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Qx/V.12.02 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

НИЁЗОВ ХАКИМ БАКОЕВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИДА ОЁҚЛАРИНИНГ ДИСТАЛ
ҚИСМИ АРТРОПАТИЯСИ

16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ



✓

Самарқанд – 2017
SamQATI Axborot
resurs markazi
Inv № - 14214

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/V7** рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд кишлок ҳўжалик институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samqxi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Дилмуродов Насриддин Бабакулович
ветеринария фанлари доктори

Расмий оponentлар:

Норбоев Қурбон Норбоевич
ветеринария фанлари доктори, профессор

Тешасв Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ильясов Азиз Саидмуродович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ветеринария илмий-тадкикот институти


Диссертация ҳимояси Самарқанд кишлок ҳўжалик институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадкикот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Қх/В.12.02-рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «31» ✓ соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй Самарқанд кишлок ҳўжалик институти. Тел. (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: saaiinfo2@edu.uz).


Диссертация билан Самарқанд кишлок ҳўжалик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд. Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй Тел. (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).


Диссертация автореферати 2017 йил «17» ✓ кунни тарқатилди.

(2017 йил «17» ✓ даги 18 рақамли реестр баенномаси)




Р.Б.Давлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, вет. ф. д., профессор


А.С.Даминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет. ф. д., доцент


К.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
вет. ф. д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кейинги йилларда дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳайвонлар орасида юқумсиз касалликларнинг асосий қисмини хирургик патология ташкил этиб, жумладан оёқ касалликлари оқибатида муддатидан олдин ҳисобдан чиқариладиган сизирлар улуши 4,0-15,3 фоизни ташкил этмоқда¹. Ҳайвонларнинг локомотор тизими, айниқса оёқларнинг дистал қисми бўғимларининг йирингсиз ва йирингли некротик жараёнларининг сабабларини аниқлаш, эрта диагностика қилиш, замонавий даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда мустақиллик йилларида чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда чорва моллари бош сони ва маҳсулдорлигининг кўпайиши, шунингдек, ҳайвонларнинг турли юқумсиз касалликларининг сабабларини аниқлаш, эрта диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш борасида юқори натижаларга эришилди. Бу борада айниқса, ҳайвонлар оёқлари дистал қисми бўғимларининг йирингсиз яллиғланишларига эрта ташхис қўйиш, даволаш ва профилактикаси борасидаги изланишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чорвачилик тармоғини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида вазифалар белгилаб берилган. Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳайвонларнинг касалликларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунё чорвачилигида бугунги кунда ҳайвонларда кўп учрайдиган оёқ бўғимлари йирингсиз ва йирингли некротик жараёнларига эрта ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир. Шу боисдан, республикамызнинг минтақавий шароитларини инобатга олиб, ҳайвонларда оёқларнинг дистал қисми бўғимлари йирингсиз касалликларининг учраш даражаси, касалланган ҳайвонлар организмда кечадиган морфологик, биокимёвий ва иммунологик ўзгаришларни таҳлил қилиш, касалликларга эрта ташхис қўйиш, этиопатогенезини аниқлаш, даволаш ва олдини олишнинг самарали услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-24/60-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон ва «Ўзбекистон Республикасида

¹ Уллыбаев М.Б. Резистентность к болезням конечностей и биологическая характеристика копытцевого рога коров // ветеринария, 2007. - № 9 - С. 44

йилкичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 июндаги ПҚ-3057-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Маъмур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Ҳайвон оёқларининг дистал қисми бўғимларининг касалликлари бўйича изланишлар дунёнинг кўпгина илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Royal Veterinary College, UK. (Буюк Британия), University of Copenhagen (Дания), Michigan State University (АҚШ), University of Agricultural Science of Sweden (Швеция), К.И.Скрябин номидаги Москва давлат ветеринария тиббиёти ва биотехнология академияси, Москва давлат биотехнология университети, Урал давлат ветеринария тиббиёти академияси (Россия), Белоцерков давлат аграр университети (Украина) ва Ветеринария илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Ҳайвонларда оёқ бўғимлари яллиғланишининг ташҳиси, даволаш ва олдини олишнинг самарали услуб ва воситаларини ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар натижасида, жумладан, отларда бўғимлардаги остеоартрит ва артрозларни этиологияси, патогенези, патологоанатомик ва патогистологик ўзгаришлари аниқланган (University of Agricultural Science of Sweden, Royal Veterinary College, UK); отлар бўғими остеоартрозларини даволашда полиакриламид гидрогелини бўғим ичига юбориб даволаш усули ишлаб чиқилган (University of Copenhagen); отларда ламинит касаллигини игна терапия ёрдамида даволаш усули такомиллаштирилган (Michigan State University); бўғим синовиал суюқлиги таркибидаги минерал моддаларнинг ҳайвон ёши ҳамда бўғимларидаги асептик яллиғланиш даражасига қараб ўзгариши аниқланган (Белоцерков давлат аграр университети); бўғим патологияларини даволашда лазер нури ва тўқима терапиясини биргаликда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган (К.И.Скрябин номидаги Москва давлат ветеринария тиббиёти ва биотехнология академияси, Урал давлат ветеринария тиббиёти академияси, Москва давлат биотехнология университети).

Бугунги кунда дунёда ҳайвонларнинг оёқ бўғимлари патологияси, уларни даволаш ва профилактикаси чора-тадбирлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: бўғим яллиғланишларининг эрта ташҳиси, ривожланиш механизмлари, касалликларнинг симптом ва синдромлари, организмдаги иммунологик ўзгаришларни аниқлаш; бўғим яллиғланишларини олдини олишда ҳудуднинг

² ude.usm.nvc@tekwoB, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/22128830>, llamas@rvc.ac.uk, www.pubmed.com

биозекологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида ҳайвонларнинг оёқ бугимлари йирингсиз ва йирингли некротик жараёнларига ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш бўйича Н.Ш.Давлатов, Ю.Худоклинова, М.Исаевлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Шунингдек, дунё микёсида ҳайвонларнинг бугим патологиясини ўрганиш бўйича бир қатор хорижий муаллифлар. жумладан, Б.М.Оликов, М.В.Плахотин, М.С.Борисов, К.И.Шакалов, Э.И.Веремей, В.А.Молоканов, М.Б.Улимбашев, И.С.Панько, С.Попов, М.В.Плахотин, О.А.Крылов, А.А.Стекольников, К.А.Петраков, Р.Ф.Капустин, Е.О.Стикина, А.Г.Полякова, С.В.Тимофеев, А.В.Шадская, Н.А.Барсукова, И.И.Балковой, Ю.А.Ватников, В.П.Иноземцев, Л.В.Куликов, Н.А.Стручков, F.Ochme, M.B.Goldring, J.Edmonds лар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва юқори даражада илмий-амалий аҳамиятга молик натижаларга эришилган.

Республикаимизнинг фермер хўжаликлари шароитларида ҳайвонларда оёқнинг дистал қисми бугимлари йирингсиз яллиғланишларини даволаш ва олдини олиш тизимини такомиллаштиришда муаммолар мавжуд бўлиб, жумладан бугунги кунда ҳайвонлар бугимлари йирингсиз яллиғланишларини даволаш ва олдини олишда маҳаллий воситалардан фойдаланиш долзарб муаммоларидан биридир.

Диссертация мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-074 «Қизилқум чулининг саноат зоналарида техноген факторларини ҳайвонлар организмга таъсири ва уларни зарарсизлантириш усуллари» (2006-2008 йй.), ҚХА-9-086-2015- «Маҳсулдор сигирларда минерал моддалар алмашинуви бузилиши натижасида келиб чиқадиган бармоқ ва туёқ касалликларини даволаш ҳамда олдини олиш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорамол ва отларда бугимнинг сурункали асептик яллиғланишлари этиологиясининг минтақавий хусусиятлари, патогенези ва диагностикаси ҳамда касалликни даволаш ва олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикаимизнинг қорамолчилик ва йилқиччилик фермер хўжаликлари шароитларида ҳайвонларда бугимнинг сурункали асептик яллиғланишларининг тарқалиши, ҳамда асосий турларини аниқлаш;

қорамол ва отларда бугимнинг сурункали асептик яллиғланишларининг белгилари, ривожланиш хусусиятлари, қондаги морфобиокимёвий ўзгаришлар ҳамда бугимдаги ўзгаришларни аниқлаш ва эртачи ташхис усуллари ишлаб чиқиш;

қорамол ва отларда бугимнинг сурункали асептик яллиғланишларини даволашда стимулловчи ва туқималарга таъсир этувчи воситаларни қўллаш билан этиопатогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш;

қорамол ва отларда бугимнинг сурункали асептик яллиғланишларини олдини олишда маҳаллий воситаларни қўллашга асосланган гуруҳли профилактик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республиканинг Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Қашкадарё ва Бухоро вилоятлари туманлари чорвачилик фермер хўжаликлари шароитидаги қорамол ва отлар, шунингдек, улардан олинган кон, бугим синовиал суюқлиги, асосий озикалар намуналари, бентонит, неонгелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролон препаратлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, қорамол ва отлар бугими сурункали асептик яллиғланишларида кузатиладиган клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик ва патологоанатомик кўрсаткичлар, ушбу касалликларни даволаш ва олдини олиш тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқотларни бажаришда клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик, патологоанатомик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор республиканинг фермер хўжаликлари шароитида хайвонлар бугимларини асептик яллиғланишларининг турлари, этиологияси ва уларнинг токсико-аллергик характердаги мураккаб патология тарзида кечиши аниқланган;

қорамолларда сурункали фибринозли синовитга токсико-аллергик омиллар, отларда сурункали периартикуляр фиброзитга шикастланишлар сабаб бўлиши аниқланган;

хайвонларда бугимларни йирингсиз яллиғланишларини даволашда неонгелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролонни қўллашдан иборат даволаш усули ишлаб чиқилган;

қорамол ва отларнинг бугимларида учрайдиган асептик яллиғланишларни даволашда анъанавий усулларга қўшимча равишда лазер нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролонни қўллашга асосланган этиопатогенетик даволаш усули такомиллаштирилган;

қорамол ва отларда бугимнинг йирингсиз яллиғланишларини олдини олишда юқори самарадорликни таъминлайдиган гуруҳли профилактик мажмуа ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Қорамол ва отларда учрайдиган бугимнинг йирингсиз яллиғланишларини этиологияси ва патогенези, эрта диагностикаси усуллари аниқланиб, отларга неонгелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролон, қорамолларга эса юқоридагиларга қўшимча Азкамар бентонитини қўллаш билан уларда ушбу патологияни гуруҳ усулда профилактика қилиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Қорамол ва отларда учрайдиган сурункали фибринозли синовит ва сурункали периартикуляр фиброзит касалликларини даволашда мавжуд умум қабул қилинган усулларга қўшимча равишда лазер нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролонни маълум миқдор ва тартиб асосида қўллаш билан даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Самарқанд кишлок хўжалик институти апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, клиник, биокимёвий, морфологик, иммунологик услублардан фойдаланилиб ва бошланғич маълумотларга ишлов берилганлиги, шунингдек, илмий ишлар натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ҳамда ОАК томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналларда ва Республика даврий-илмий нашрларида чоп этилгани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизнинг фермер хўжаликлари шароитида қорамол ва отларда бўғимнинг сурункали асептик яллиғланишларининг тарқалиши, сигирларда сурункали фибринозли синовитнинг ривожланишида минтақавий хусусиятларга хос токсико-аллергик ва отларда сурункали периартикуляр фиброзитларни ривожланишида эса шикастланишларни сабаб бўлиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти маҳсулдор қорамоллар ва отларда учрайдиган бўғимнинг йирингсиз яллиғланишларини диагностикаси, лазер нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролонни маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган этиопатогенетик даволаш усуллари ва гуруҳ усулда профилактика қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кишлоқ хўжалик ҳайвонларида оёқларнинг дистал қисми артропатияси бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

отларда бўғимнинг йирингсиз яллиғланишларини даволаш ва олдини олишда неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролонни қўллашдан иборат даволаш-профилактик мажмуа Республикамизнинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари йилқичилик хўжаликларига жорий этилган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 31 августдаги 02/12-195-сон маълумотномаси). Бунда отларда гушт маҳсулдорлиги 9,7 фозга ошган, бир бош от ҳисобига самарадорлик ўртача 93 минг сўми ташкил этган;

сигирларда учрайдиган бўғимнинг йирингсиз яллиғланишларини даволаш ва олдини олишда неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқон, хондролон ва Азкамар бентонитини қўллашга асосланган такомиллашган этиопатогенетик даволаш ва гуруҳли олдини олиш усуллари Бухоро ва Самарқанд вилоятлари қорамолчилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 31 августдаги

№02/12-196-сон маълумотномаси). Бунда сигирлар сут маҳсулдорлиги 8,6 фоизга ошган, бир бош сигир ҳисобига самарадорлик ўртача 354,8 минг сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳайвонлар бўғим касалликларининг этиологияси, касалликларнинг кечиш хусусиятлари ва диагностикасига оид илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида ҳайвонлар орасида эндемик бўғим касалликларининг тарқалиши, сабаблари, патогенези, кечиш хусусиятлари ва белгилари, қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичларининг ўзгаришлари, бўғим касалликларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида хорижий давлатлар ва республика олимларининг илмий ишлари натижаларининг қисқача таснифи келтирилган.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикамизнинг қорамолчилик ва йилқиччилик фермер хўжаликлари шароитида ҳайвонларда бўғимнинг сурункали асептик яллиғланишларининг тарқалиши, асосий турлари, яъни сигирларда сурункали фибринозли синовитнинг ривожланишида минтақавий хусусиятларга ҳос токсико-аллергик ва отларда сурункали периартикуляр фиброзит касалликларини ривожланиши, эртачи ташхиси уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари тўлиғича ўрганилмаган.

Диссертациянинг «**Бўғим касалликларига доир олиб борилган тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Илмий тадқиқотларнинг

экспериментал қисми 2000-2016 йиллар давомида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида, ветеринария факултети клиникасида, шаҳар ОИТС лабораториясида, вилоят касалхонаси лабораториясида, Самарқанд тиббиёт институти лазер марказида, Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги «Сиёб Шавкат Орзу» чорвачилик фермер хўжалигида, Самарқанд туманидаги «Tur-Orient» МЧЖ га қарашли ипподромида, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари туманларидаги қорамоллар ва спорт ҳамда кўпқарига қатнашадиган отларда ҳамда чорвачилик фермер хўжаликлари шароитида бажарилган.

Республиканинг қорамолчилик ва йилқичилик фермер хўжаликлари шароитида ҳайвонларда бўғимнинг сурункали асептик яллиғланишларининг турлари, этиологияси, учраш даражаси ва уларнинг айрим минтақавий хусусиятларга хос токсико-аллергик характердаги мураккаб патология тарзида кечиши ўрганилди.

Сигирларда сурункали фибринозли синовитнинг ривожланишида бошқа омиллар билан бирга минтақавий хусусиятларга хос токсико-аллергик ва спорт отларида сурункали периартикуляр фиброзит касалликларини ривожланишида эса шикастланиш характеридаги омиллар сабаб бўлиши ва бунда ҳаракат аъзолари функциялари, қоннинг морфобиокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ва бўғим функционал ҳолатининг бузилиши аниқланди.

Отларда учрайдиган бўғимнинг йирингсиз яллиғланишларини этиологияси, патогенези ва эртачи ташхис усуллари аниқланиб, 20 кун оралиғида 2% ли формалин ванниси, туёқ деворларига 2-3 кун давомида ҳар куни бир марта дёготь суртиш ҳамда неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутокон ва хондролон сигирларга эса юқоридагиларга қўшимча 120 кун давомида рационига қўшимча равишда омихта емларга аралаштирилган ҳолда Азкамар бентонитини қўллаш билан уларда бўғимнинг йирингсиз яллиғланишларини гуруҳли усулда профилактика қилишдаги иқтисодий самарадорлиги ўрганилди.

Сигир ва отларнинг бўғимларида учрайдиган сурункали фибринозли синовит ва сурункали периартикуляр фиброзит касалликларини гуруҳли профилактика қилиш воситаларининг ҳайвонларнинг клинко-физиологик ҳолати, қоннинг айрим морфо-биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ва бўғим функционал ҳолатининг бузилишини аниқлаш бўйича илмий ва илмий-хўжалик тажрибалари ўтказилди.

Сигир ва отларнинг бўғимларида учрайдиган сурункали фибринозли синовит ва сурункали периартикуляр фиброзит касалликларини даволаш учун мавжуд умум қабул қилинган усулларига қўшимча равишда лазер нури билан нурлантирилган аутокон ва хондролондан иборат даволаш мажмуасининг маълум миқдор ва тартиб асосида қўллаш билан даволаш усулларининг самарадорлиги ўрганилди.

Диссертациянинг «Оёк бўғимлари йирингсиз яллиғланишлари этнопатогенезининг айрим хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида ҳайвонларда диспансер текширишлар ўтказиш билан Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Меҳнат роҳат» хўжаликлараро бурдоқчилик хўжалигида бурдоқига боқилаётган 120 бош буқачалар клиник текширилганда, уларнинг 26 бошида турли бўғим касалликлари мавжудлиги аниқланди ва бу 21,7% ни ташкил этди, бунда 4 та буқачада ўткир фибриноз синовит, 16 бош буқачада сурункали фибриноз синовит, сурункали периартикуляр фиброзитнинг бошланғич босқичи билан касалланган 2 бош ҳайвон ва периартикуляр фиброзитнинг клиник белгилари яққол намоён бўлган 4 бош ҳайвонда ташхис қўйилди.

Тайлоқ туманидаги чорвачилик фермер хўжаликларидан 592 бош корамол текширилганда 81 бош ҳайвонда (13,7%) турли бўғим патологиялари кечаётганлиги қайд этилди. Касал ҳайвонлар ичида 21 бош ҳайвонда ўткир фибриноз синовит, 42 бош ҳайвонда сурункали фибриноз синовит ва 18 бош ҳайвонда эса клиник белгилари яққол намоён бўлган периартикуляр фиброзит аниқланди.

Шунга ўхшаш текширишлар Оқдарё тумани «Келажак» чорвачилик фермер хўжалигида текшириш ўтказилганда 114 ҳайвондан 11 бош (9,6%) ҳайвонда турли бўғим касалликлари мавжудлиги, бунда 3 бош ҳайвонда ўткир синовит, 6 бош ҳайвонда сурункали фибриноз синовит ва 2 бош ҳайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзит жараёнининг бошланғич босқичи кечаётганлиги кузатилди.

Пастандаргом туманидаги чорвачилик фермер хўжаликларидан 234 бош ҳайвондан 29 бошда (12,4%) турли бўғим патологиялари кечаётганлиги қайд этилди. Шикастланган ҳайвонларда ўткир синовит жараёнлари кузатилмасда, 25 бош ҳайвонда сурункали фибринозли синовит ва 2 бош ҳайвонда сурункали периартикуляр фиброзит жараёни кечаётганлиги қайд этилди. Шунга ўхшаш клиник текшириш ишлари Бухоро вилояти Жондор туманидаги чорвачилик фермер хўжаликларидан 109 бош ҳайвонда ўтказилганда 12 бош (11%) ҳайвонда бўғимнинг турли касалликлари кечаётганлиги аниқланди. Касал ҳайвонлар ичида сурункали фибринозли синовит 11 бош ҳайвонда ва 1 бош ҳайвонда периартикуляр фиброзитнинг бошланғич босқичи кечаётганлиги кузатилди.

Бухоро вилояти Вобкент тумани «Нуралибек» чорвачилик фермер хўжалигида 48 бош ҳайвонлар клиник текширилганда, уларнинг 6 бошида турли бўғим касалликлари кечаётганлиги қайд этилди ва бу 12,5% ни ташкил этди. Бунда 2 бош ҳайвонда ўткир фибриноз синовит ва сурункали фибриноз синовит 4 бош ҳайвонда қайд этилди.

Текширишлар мавсумий олиб борилганда, оёк бўғими яллиғланишлари қиш ва баҳор ойларида кўпроқ учраши қайд қилинди. Бунда, жами хўжаликлардан 1217 бош ҳайвон клиник текширилганда, ундан 165 бош (13,5%) ҳайвонда турли йирингсиз бўғим касалликлари, жумладан, ўткир фибринозли синовит 30 бош ҳайвонда ва бу умумий бўғим патологиясининг

18,2% ини, сурункали фибринозли синовит 106 бош ҳайвонда (64,2%) ва периартикуляр фиброзитнинг бошланғич босқичи ҳамда клиник белгилари яққол намоён бўлган жараёнлари билан касалланган 28 бош ҳайвон (17,6%) мавжудлиги аниқланди.

Турли омиллар оқибатида ҳосил бўлган фибринозли синовитларда бўғимда морфо-функционал ўзгаришлар, шиш ва дефигурация, оқсашнинг ўрта ва паст даражаси аниқланди, бунда тоvon ва билакузук бўғимларининг икки томонлама шикастланганлиги характерли бўлди. Бўғимлардан олинган суоқликнинг синовиоцитограмасида лейкоцит ва лимфоцитларнинг ошганлиги ва нейтрофилларнинг камайганлиги аниқланди. Бўғимлар патологоанатомик текширилганда фиброз капсуласи девори юзасига фибрин ивиқлари қалин парда ҳосил қилиши оқибатида қалинлашганлиги, синовиал сурғичлар сони камайиб, ҳажми кичрайганлиги ва бўғим бўшлиғига фибрин ивиқлари ва қуюқмаси тўпланганлиги аниқланди.

Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани «Tur Orient» МЧЖ га қарашли ипподромида 67 бош отлар клиник текширишдан ўтказилганда, уларнинг 10 бошида турли бўғим патологияси мавжудлиги аниқланди ва бу 14,9% ни ташкил этди. Шундан, 3 бош отда ўткир синовит, 4 бош отда сурункали фибринозли синовит ва 3 бош ҳайвонда периартикуляр фиброзит жараёни кечаётганлиги аниқланди.

Пастдаргом тумани хўжаликларидан 45 бош от клиник текширилганда, уларнинг 11 бошида асептик бўғим патологияси мавжудлиги қайд этилди ва бу бўғим патологиясининг 24,4% ини ташкил этди. Касалланган ҳайвонларнинг 2 бошида ўткир синовит, 3 бошида сурункали синовит кузатилган бўлса, 6 бошида эса бўғимнинг периартикуляр фиброзити қайд этилди.

Шунга ўхшаш текшириш ишлари Ургут тумани шахсий хўжаликларда 22 бош ҳайвонда ўтказилганда, 4 бош (18%) ҳайвонда турли бўғим патологияси кузатилди, ундан 2 бош ҳайвонда сурункали синовит ва 2 бош ҳайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзит жараёни кечаётганлиги аниқланди. Булунгур тумани шахсий хўжаликларидан 31 бош ҳайвондан 5 бош (16,1%) ҳайвонда турли бўғим касалликлари мавжудлиги аниқланиб, бунда 1 бош ҳайвонда ўткир синовит, сурункали синовит 2 бош ҳайвонда ва сурункали периартикуляр фиброзитнинг клиник белгилари яққол намоён бўлган 2 бош ҳайвонга ташхис қўйилди.

Жиззах вилояти шахсий хўжаликларидан 17 бош ҳайвон клиник текширилганида, уларнинг 3 бошида (17,6%) бўғим патологияси кузатилиб, бунда 1 бош отда сурункали синовит ва 2 бош отда эса сурункали периартикуляр фиброзит қайд этилди. Тошкент вилоятидан 57 бош ҳайвон текширилганда, улардан 10 бош (17,5%) ҳайвонда турли йирингсиз бўғим патологиялари мавжудлиги ва шундан 3 бош ҳайвонда ўткир синовит, 3 бош ҳайвонда сурункали синовит ва 4 бош ҳайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётганлиги аниқланди.

Қашқадарё вилоятидан 32 бош хайвон клиник текширилганда, улардан 4 бошда (18,1%) йирингсиз бугим патологияси аниқланиб, бунда 1 бош хайвонда ўткир синовит, 1 бош хайвонда сурункали синовит ва 2 бош хайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзитнинг бошланғич босқичи кечаётганлиги қайд этилди. Сурхондарё вилоятидан 16 бош хайвоннинг 2 бошида (12,5%) бугим патологияси қайд этилиб, бунда 1 бош хайвонда сурункали синовит ва 1 бош хайвонда сурункали периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётганлиги маълум бўлди. Шунга ўхшаш ҳолат Бухоро вилоятидан клиник текширилган 18 бош хайвонда кузатилиб, бунда ҳам уларнинг 2 бошида (11,1%) бугим патологияси мавжудлиги қайд этилди ва бунда 1 бош хайвонда ўткир синовит ва 1 бош хайвонда сурункали синовит жараёнлари кечаётганлиги аниқланди.

Текширишлар йил давомида олиб борилганда, бугим патологиялари асосан куз фаслининг охири, киш ва баҳор ойларида кўпроқ кузатилиши қайд этилди. Республикамиз ҳўжаликларидан жами 295 бош от клиник текширилганда, уларнинг 51 бошида (17,3%) бугимнинг турли йирингсиз яллиғланишлари мавжудлиги намоён бўлди. Улардан 11 бош хайвонда ўткир синовит ва бу умумий аниқланган бугим патологиясининг 21,6% ини ташкил этиши, сурункали синовит 18 бошда (35,3%) ва 22 бош (43,1%) хайвонда эса сурункали периартикуляр фиброзитнинг бошланғич ва клиникаси яққол намоён бўлган жараёнлари кечаётганлиги қайд этилди.

Спорт ва кўпқарига катнашадиган отларни клиник текшириш, парвартиш, сақлаш ва улар рационини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, ҳўжалик рационини таркибига шрот қўшилган омухта ем бўлиши ёки арпа таркибига оққўрай, кампирчопон ва бошқа захарли ўсимликлар донининг қўшилиши улар организмда турли хилдаги токсико-аллергик ҳолатларни келиб чиқиши ва отлар орасида синовитларни учраш даражаси юқори бўлиши аниқланди.

Турли хилдаги шикастланиш ва қайта шикастланиш оқибатида намоён бўлган бугимлардаги периартикуляр фиброзитларда, бугим дефигурацияси, фиброз капсуласи катталашганлиги, боғламлар қалинлашиб эластиклиги камайганлиги ва хайвон ҳаракатланганда кучли оғриқ аниқланди, отларда асосан товон, билакузук ва тушоқ бугимларининг бир томонлама шикастланганлиги қайд этилди. Касал хайвонларнинг шикастланган бугимларидан олинган суюклик рангсиз, тиниқ муцилли аралашма катта ва тиниқ, масса шаклида, ёпишқоклиги 4,5-5,5 см, синовиоцитограммасида лимфоцитлар ва моноцитларнинг кўпайганлиги ҳамда лейкоцит ва нейтрофилларнинг камайганлиги аниқланди.

Шикастланган бугимлар патологоанатомик текширилганда, бугим капсуласининг фиброз қавати қалинлашган, эластиклигини йўқотган ва айрим жойларида бириктирувчи тўқималар ўсганлиги периартикуляр тўқималар ва боғламлар оралигига тўқималар ўсиши оқибатида улар каттиқлашиб, эластиклигини йўқотганлиги аниқланди.

Бўғимдаги периартикуляр фиброзитларнинг ривожланиши бўғимга таъсир этувчи асосий омилларнинг қайта-қайта такрорланиши ва таъсир этувчи ташқи омилларнинг таъсир кучига боғлиқ бўлиб, ташқи омиллар кучи қанча кучли ва давомий бўлса, организмнинг реактивлиги ҳам кучли намоён бўлади, оқибатда патологик ўчоқдаги бўғим элементлари кучли шикастланиди ва қайтмас жараёнларни ҳосил бўлишига, яъни бўғим элементларининг склерозига ва дегенерацияга учрашига сабаб бўлади.

Сурункали синовит билан касалланган ҳайвонларда бўғимда морфо-функционал ўзгаришлар, шиш, дефигурация ва кучсиз оқсаш кузатилади.


Бўғимдан олинган суюқликнинг синовиацитограммасида лейкоцит ва лимфоцитларнинг кўпайганлиги ва нейтрофилларнинг камайганлиги аниқланди. Бўғимларда организмнинг токсико-аллергик ҳолатлари ва бошқа омиллар натижасида ҳосил бўлган синовитларда синовиал парда тўқималари гипертрофия ва гиперплазияга учраб, синовиал парда сўргичларида тўқима ўсганлиги ва синовиал парданинг айрим жойларида сўргичлар тушиб қолганлиги ҳамда оқибатда синовиал парданинг ялтироқлиги камайганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Ҳайвонларда бўғимнинг йирингсиз яллиғланишларини этиопатогенетик даволаш**» деб номланган тўртинчи бобидан от ва сигирларда сурункали йирингсиз бўғим яллиғланишларини даволаш воситаларини танлаш, уларнинг от ва сигирлар клиник-физиологик ва қоннинг айрим морфобиокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари, бўғимнинг функционал ҳолати ҳамда уларда даволаш тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган илмий ва илмий-ҳўжалик тажрибаларининг натижалари келтирилган.

Сигирларда сурункали йирингсиз бўғим яллиғланишларини даволашда иккинчи гуруҳ ҳайвонларига умум қабул қилинган усулларга қўшимча лазер нури билан нурлантирилган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига стимуловчи восита сифатида ва хондролондан 2 мл бўғим ичига юборилганда ижобий натижалар олинди. бунда патологик жараёнларнинг салбий томонга ривожланиши кузатилмай, унинг тузалиш муддати қисқарди. бунда сурункали фибринозли синовит билан касалланган биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш 16 кун, иккинчи гуруҳда 14 кун ва учинчи гуруҳда 19 кун давом этган бўлса, периартикуляр фиброзит билан касалланган ҳайвонларда эса шунга мос равишда 19, 17 ва 23 кунни ташкил этди. Аммо шунга таъкидлаш жоизки, периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётган учинчи гуруҳдаги ҳайвонларда бўғимлардаги функцияларнинг тўлиқ тикланиши даволаш тугатилганидан анча кейин кузатилди.

Бўғимлардаги сурункали фибринозли синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнларини умум қабул қилинган усулларга қўшимча неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқон 0,5 мл/кг тирик вазнига ва хондролон қўллаш унинг тузалиш муддатини қисқартириш билан бирга, қоннинг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди, тажриба охирига келиб эритроцитлар ва

лейкоцитлар сони шунга мос равишда, 9,7 ва 9,8% га кўпайиши кузатилди. Гемоглобин миқдори ва лейкоформуладаги лимфоцитлар фоизи текширишларнинг охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан шунга мос равишда, 27 ва 8,8% га кўпайганлиги қайд этилди. Қон зардобидаги умумий оксил миқдори тажриба давомида кўпайиб бориб, тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 12,3% га ошганлиги ва альбуминларнинг камайиши ва глобулинларнинг асосан бета -ва гамма-глобулинлар кўпайиши ҳисобига диспротеинемия кузатилиши, яъни дастлабки кўрсаткичларга нисбатан альбуминларнинг ўртача 3,5% га камайиши, гамма-глобулинларнинг 18,7% ва бета-глобулинларнинг 16,4% га кўпайиши қайд этилди.



1-расм. Тажрибадаги қорамоллар қонининг морфологик кўрсаткичлари.

Ҳайвонлар қонидаги иммунологик кўрсаткичлардан Т лимфоцитларнинг нисбий миқдори тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 9,6% га, уларнинг мутлоқ миқдори 66.6% га, В лимфоцитлар нисбий миқдори 10% га, унинг мутлоқ миқдори 37.5% га ошганлиги аниқланган бўлса, А, М ва G-иммуноглобулинлар миқдори текширишларнинг охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан шунга мос равишда, 75%, 32,8% ва 10,5% га кўпайганлиги қайд қилинди.

Умум қабул қилинган усулларга қўшимча неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутокон 0,5мл/кг тирик вазнига қўлланилган гуруҳда патологик жараёнларни тузалиш муддатини назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан қисқариши намоён бўлди ва шу билан бирга, қоннинг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларида ҳам бироз сезиларли ўзгаришлар кузатилди.

Даволаш давомида тажрибадаги учала гуруҳ ҳайвонларидаги клиник белгилардаги фарқни тасдиқлаш мақсадида, қонни гематологик кўрсаткичларни таҳлил қилганимизда, биринчи ва иккинчи гуруҳ ҳайвонларида эритроцитлар, лейкоцит, гемоглобин ва лимфоцитларнинг миқдори кўнаиб борганлиги, ушбу гуруҳ ҳайвонларида патологик жараён

тузалишининг жадаллашуви, ретикулоэндотелиал системасининг стимуллашдан дарак беради. Учинчи гуруҳ хайвонларида эса тажриба давомида қондаги эритроцитлар ва гемоглобин миқдорининг ошганлиги, лейкоцит ва лимфоцитларнинг камайганлиги қайд этилди.


Кейинги босқич илмий-ҳўжалик тажрибаларимиз ишлаб чиқариш шароитларида отларда бўғимларнинг асептик яллигланишларини даволашда лазер нури билан нурлантирилган аутокон ва хондролон дорисини қўллашни иктисодий самарадорлигини ўрганиш мақсадида ўтказилди. Оёқларнинг дистал қисми бўғимларида сурункали синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётган 15 бош отлар ажратиб олинди, улар ўхшаш жуфтликлар тамоили асосида ҳар бирида 5 бошдан учта гуруҳга ажратилди, бунда учинчи гуруҳ хайвонларига сурункали синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнларини даволаш мақсадида умум қабул қилинган усуллар қўлланилди, бўғимларга ўткир қитиқловчи малҳам, массаж, иссиқ муолажалардан спиртли қуритувчи боғламлар қўлланилди, биринчи тажриба гуруҳ хайвонларидаги сурункали синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнларини даволашда умум қабул қилинган усуллар усулларга қўшимча лазер нури билан нурлантирилган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ва иккинчи тажриба гуруҳ хайвонлари бўғимларидаги сурункали синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнларини даволашда эса умум қабул қилинган усуллар усулларга қўшимча лазер нури билан нурлантирилган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ва хондролондан 2 мл бўғим ичига юбориш усулларида фойдаландик.

Оёқларнинг дистал қисми бўғимларида сурункали синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётган яллигланишларни даволашда умум қабул қилинган усуллар усулларга қўшимча лазер нури билан нурлантирилган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига стимулловчи восита сифатида ва хондролондан 2 мл бўғим ичига юборилганда патологик жараёнларнинг тузалиш муддати қискарди ва шунингдек лазер нури билан нурлантирилган аутоқоннинг иммуностимулловчи таъсири кучли намоён бўлди ва хондролон тоғай тўқимасининг физиологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди.

Сурункали синовит билан касалланган биринчи гуруҳ хайвонларида даволаш 14 кун, иккинчи гуруҳда 12 кун ва учинчи гуруҳда 18 кун давом этган бўлса, периартикуляр фиброзит билан касалланган хайвонларда эса шунга мос равишда, 16, 14 ва 21 кун давом этди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, бўғимлардаги функцияларнинг тўлиқ тикланиши периартикуляр фиброзит жараёнлари кечаётган учинчи гуруҳдаги хайвонларда даволаш тугатилганидан анча кейин кузатилди.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ хайвонларида сурункали фибринозли синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнларини даволашда қўлланилган усуллар патологик жараёнларни тузалиш муддатини қисқартириши билан бирга, қоннинг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди, тажриба охирига келиб эритроцитлар ва лейкоцитлар сони шунга мос равишда, 9,5 ва 25,3% га қўпайиши кузатилди. Гемоглобин миқдори ва лейкоформуладаги лимфоцитлар фоизи

текширишларнинг охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан шунга мос равишда, 22,5. ва 10% га кўпайганлиги қайд этилди. Қон зардобдаги умумий оксил миқдори тажриба давомида кўпайиб бориб тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 19,7% га ошганлиги ва альбуминларнинг камайиши ва глобулинларнинг асосан гамма- ва бета-глобулинлар кўпайиши ҳисобига диспротеинемия кузатилиши, яъни дастлабки кўрсаткичларга нисбатан альбуминларнинг ўртача 12,5% га камайиши, гамма-глобулинларнинг 11,2% ва бета-глобулинларнинг 31,8% га кўпайиши қайд этилди.



2-расм.Тажрибадаги отларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари.

Отлар қонидаги иммунологик кўрсаткичлардан Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 4,9% га, уларнинг мутлоқ миқдори 30% га, В-лимфоцитлар нисбий миқдори 16% га, унинг мутлоқ миқдори 50% га ошганлиги аниқланган бўлса, А, М ва G-иммуноглобулинлар миқдори текширишларнинг охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан шунга мос равишда, 61,5%, 10 % ва 14,2% га кўпайганлиги қайд қилинди.

Умум қабул қилинган усуллар усулларга қўшимча неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқон 0,5 мл/кг тирик вазнига қўлланилган биринчи гуруҳдаги отларда патологик жараёнларни тузалиш муддати назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан қисқариши намоён бўлди ва шунингдек қоннинг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди.

Тажрибадаги учала гуруҳ ҳайвонларининг клиник белгиларидаги фарқи, қонни лаборатор текшириш натижалари ҳам тасдиқлайди. Тажриба давомида биринчи ва айниқса, иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги эритроцитлар сони лейкоцитлар сони ва гемоглобин концентрацияси кўпайиб борди, лимфоцитлар нисбий миқдори тажриба бошида кўпайиб, кейин камай бошлади, бу эса биринчи ва иккинчи гуруҳ ҳайвонларидаги патологик

жараённинг тузалиши, ретикулэндотелиал системасининг стимуллашуви ҳисобига амалга ошганлигидан дарак беради. Учинчи гуруҳ ҳайвонларида эса тажриба давомида қондаги лейкоцитлар сони ва гемоглобин миқдорининг бироз ошганлиги, эритроцитлар сонининг эса камайганлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «**Ҳайвонларда бўғимнинг йирингсиз яллиғланишларини олдини олиш**» деб номланган бешинчи бобида қорамол ва отларнинг бўғимларида учрайдиган сурункали синовит ва периартикуляр фиброзитларни уйғунлашган даволашга йўналтирилган тажрибалардан олинган натижаларга асосланиб, кейинги босқич тажрибаларимизда қорамол ва отларда учрайдиган бўғимнинг асептик яллиғланишларини олдини олишда кенг қўлланиладиган профилактик мажмуани яратиш мақсад килиб олинди.

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги «Сиб Шавкат Орзу» чорвачилик хўжалигидан 40 бош голштин фриз зотига мансуб сигирлар олиниб, улар ўхшаш жуфтликлар асосида 20 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ ҳайвонларига ҳар куни 3-4 соат яйратиш майдончаларида моцион бериб борилди. Ҳайвонлар сақланадиган жой ва моцион бериладиган яйратиш майдончалари доимий назорат килиб борилди, унда ҳайвонларни шикастлантирувчи жисмлардан тажрибагача ва тажриба давомида доимий тозаланиб борилди. Шунингдек, ушбу гуруҳ ҳайвонларининг туёқлари тажрибагача ва тажриба давомида клиник текшириб борилди ва ҳар уч ойда бир марта туёқлар кесилиб турилди. Бармоқлардаги очик жароҳатларнинг асоратларини даволаш ва туёқ касаллигига чалинишини олдини олиш мақсадида бетондан қилинган махсус ваннада 2% ли формалиндан ҳар 20 кун ораллигида 2-3 кун давомида ҳайвонлар ўтказиб турилди. Бундан ташқари, шрот таркибидаги госсипол ва бошқа пестицидларни детоксикация қилиш мақсадида улар рационига Азкамар бентонитидан токсико-аллергик этиологиясига хос бўлган синовитларнинг ривожланишини олдини олиш мақсадида ҳар бир бош ҳайвонга 300 грамдан аралаштириб бериб борилди. Шу билан бирга, организмнинг ҳимоя хусусиятини стимуллаш мақсадида ойига бир марта неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига ва 4 мл хондролон мускул орасига юбориб турилди.

Иккинчи назорат гуруҳи ҳайвонларини сақлаш ва озиклантириш хўжалик рационини асосида ташкил этилди.

Лазер нури билан нурлантирилган аутоқонни парентерал йўллар билан юбориш кучли патогенетик даволаш хусусиятига эга бўлиб, организм резистентлигини ошириб стимуляция қилиш билан бирга, бириктирувчи тўқималарнинг физиологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши, хондролон эса бўғим ичидаги тоғайларда регенерация жараёнларини яхшилаши тажрибаларимизда ўз акеини топган.

Биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар клиник текширилганда, 4 ой давомида улар бўғимларида бирорта ҳам синовит жараёнлари кузатилмади, таъкидлаш жонзик, факатгина икки бош ҳайвонда шикастланиш оқибатида периартикуляр фиброзит жараёнлари ривожланганлиги аниқланди.

Иккинчи назорат гуруҳидаги 4 бош ҳайвонда клиник белгилари яққол намоён бўлган фибринозли синовит, 2 бош ҳайвонда эса клиник белгилари кучсиз намоён бўлган фибринозли синовит ва 2 бош ҳайвонда шикастланиш

оқибатида периартикуляр фиброзит жараёнлари қайд этилди. Бундан ташқари, ушбу гуруҳ сигирларида остеоидистрофия, йўлдошнинг ушланиб қолиши, эндометрит, мастит, ҳаракат аззолари ва туёқларнинг турли патологиялари, яъни туёқ пододерматитлари каби касалликлар қайд этилди.

Биринчи гуруҳ ҳайвонларидаги сурункали фибринозли синовит ва периартикуляр фиброзит жараёнларини олдини олишда қўлланилган профилактик мажмуа улар қонининг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларида ҳам сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди, бунда тажриба охирига келиб эритроцитлар ва лейкоцитлар сони шунга мос равишда, 17,6 ва 8,8% га кўпайиши кузатилди. Гемоглобин миқдори ва лейкоформуладаги лимфоцитлар нисбий миқдори текширишларнинг охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан шунга мос равишда, 11,3 ва 4,5% га кўпайганлиги қайд этилди. Қон зардобидаги умумий оқсил миқдори тажриба давомида кўпайиб бориб тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,1% га ва альбуминларнинг ўртача 6% га ошганлиги, гамма-глобулинларнинг эса 10,5% га кўпайиши қайд этилди.

